Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 30 июль • сешанба № 29 (869)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Адлия вазирлигида

## Барча масалалар

### атрофлича таҳлил этилди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазири Н.Йўлдошев раислигида адлия органлари ва муассасалари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ва келгусида тизим олдидаги устувор вазифаларга бағишланган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.**



МАЖЛИСДА қайд этилганидек, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби вазифалар адлия органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ҳамда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш, уларнинг бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ярим йиллиги давомида қонун ижодкорлиги соҳасида 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, 7 та қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. 692 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди, 767 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, уларни ташкил қилишни соддалаштириш, лицензия ва рухсатномалар бериш, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларини қисқартириш, божхона расмийлаштируви механизмини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан белгиланган имтиёз ва қулайликларнинг жойларда қўлланилиши юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорликни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан адлия органлари томонидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда таълимнинг етакчи тармоғи ҳуқуқшунослик соҳаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим, хусусан юридик таълим соҳасини тубдан қайта ислоҳ қилиш, ёш ҳуқуқшуносларни ҳар томонлама билимли ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мажлисда Президентимизнинг соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил 28 июндаги **"Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори асосида Тошкент давлат юридик институтининг университетга айлантирилиши ҳуқуқий таълим тизими нуфузи ва мавқеини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Эндиликда университетнинг ўқув корпуслари янги бинолар ҳисобига кенгайтирилади. Талаба ва профессор-ўқитувчилар учун замонавий хизмат кўрсатишга мўлжалланган комплекслар бунёд этилади. Ўқув жараёни керакли жиҳозлар, ахборот воситалари ҳамда бошқа зарур ускуналар билан таъминланади. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш, ўқувнинг бир сменали тартибда олиб бориш имконини беради. Мажлисда бу борада белгиланган тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Ҳайъат мажлисида қонун ижодкорлиги, суд ижро ишлари самарадорлигини янада ошириш, халқаро арбитражларда Ўзбекистон манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш йўналишида белгиланган тадбирлар ижроси, ўрганишлар самарадорлигини ошириш, 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширилиши юзасидан адлия органларига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, нотариат ва ФҲДЁ органларида ижро интизоми бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирлар юзасидан ҳудудий адлия органлари фаолияти таҳлил этилиб, бу борада йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Қонун моҳияти

## Фарзандликка олиш

### ва унинг суд тартибида амалга оширилиши — вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати

**ЮРТИМИЗ аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, яъни вояга етмаганлар ташкил этади. Шу боис, истиқлол йилларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилиб, йилдан-йилга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида такомиллаштирилмоқда.**

ОЛИЙ МАЖЛИС Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 20 мартда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, мазкур Кодекс "Фарзандликка олиш", деб номланган янги $31^1$-боб билан тўлдирилишини бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асосларини ривожлантиришга оид ислоҳотларнинг давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, фарзандликка олиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга кўмаклашиш, уларни жойлаштириш ва турмушини йўлга қўйишнинг энг қулай шакли ҳисобланади. Қолаверса, фарзанд учун оила уни шахс сифатида шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун керакли бўлган ҳамма нарсани бера олади. Иккинчи томондан, болани фарзандликка олиш натижасида фарзанд кўрмаган оилаларнинг ҳаёти ёрқин ва мазмунли бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шундай қилиб, фарзандликка олиш натижасида боланинг ҳамда уни фарзандликка олувчиларнинг, бир сўз билан айтганда, жамият манфаатлари уйғунлиги ва ҳамоҳанглиги юз беради. Шу билан бирга фарзандликка олиш жараёнида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу жараёнларда қонунийликни таъминлаш муҳим ўрин тутади. Зеро, халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чет эл давлатларига вояга етмаганларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилаётганлиги факти ҳам фарзандликка олиш жараёнларига масъулият ва эътибор билан ёндашишни тақозо этмоқда.

Фуқаролик процессуал кодексининг "Фарзандликка олиш", деб номланган янги $31^1$-боб билан тўлдирилиши фарзандликка олиш жараёнларида қонунийликни таъминлаб, фарзандликка олишнинг маъмурий тартиб-таомиллари ўрнига қонунчиликда белгиланган процессуал тартиб асосида суд томонидан амалга оширилишининг белгиланишига олиб келди.

2 ▶

Юксаклик тимсоллари

## Суви куй, куйи нур – фаввораси буюк санъатдир

**ЖАЗИРАМА ёзда ҳамма салқин жой излайди. Кечқурунлари фавворалар атрофи одамларга тўлиб кетади: болалар дунёни тўлдириб чувиллайдилар, катталар ўриндиқларда қалдирғочлардай тизилишиб гурунглашади, чекка-чеккада бир-бирига суянган кўйи кўкка отилаётган биллур шалолага жимгина тикилиб турган ошиқ-маъшуқлар эса ширин хаёлларга чўмади... Мен ҳам иш тугагаши билан юракни лоҳас қилувчи дим ҳаводан безиб, Алишер Навоий номидаги театр майдонига бордим. Улкан фаввrouteдан юзимга сачраган намхуш томчилар дилимни яйратиб юборди. Кўзларимни чирт юмганча ҳузурланиб тургандим, калта шим, чит куйлак, пешайвони каттакон латта шапка кийган жиккаккина бир япон ёнимга келди. У жуда киришимли, сергапгина экан — бир пасда эски қадрдонлардай суҳбатлашиб кетдик.**



— ТОШКЕНТ жуда бошқача бўлиб кетибди!, — деди меҳмон кўксини тўлдириб нафас оларкан очиқ чеҳра билан. — Ҳамма ёқда янги иморатлар, равон кўчалар, манзарали боғлар. Айниқса, кўркам фаввораларнинг кўпайгани... чекка маҳаллаларда ҳам тошиб-кўпириб отилаётган фавворалар ҳар қандай сайёҳни лол қолдиради. Мана шу фаввора ҳам уч йил аввал жуда оддий эди. Энди бўлса... камалакдай товланиб-тусланиб мусиқий оҳангларга уйғаш ҳолда рақс тушишини кўринг! Айтгандай, бу иншоотни кимлар қурганини биласизми?, — тўсатдан сўраб қолди у. Аммо жавобимни кутмай, шу заҳотиёқ ўзи жавоб берди:

— 1947 йилда бизнинг боболар — асирдаги японлар қурган.

Янги танишим кўп жаҳонгашта ва фаввораларга ишқибоз экан, зумда бир олам янгиликларни айтиб ташлади.

— Ер юзида "мўъжизавий" деб тан олинган 15 та фаввора бор, — деди у. — Бизни Осака шаҳридаги фаввора ҳам шулар қаторида туради. Мен Рим, Париж, Лас-Вегас, Дубай шаҳарларидаги фавворaларни кўрдим. Аммо ростини айтсам, Тошкент фавворалари ҳаммасидан бошқача. Сизга ҳавасим келади, мамлакатингиз яшин тезлигида ривожланиб боряпти, саф-саф жозибадор фавворалар қуряпсиз. Биласизми, фавворалар ҳам мамлакат қудрати, буюклиги, юксак маданиятини ифодалайди.

Меҳмоннинг жаҳон фавворaларини энг дарози Жидда шаҳрида бўлиб, бўйи 300 метр экани, энг каттаси эса Сингапурдаги Гиннеснинг рекордлар китобига кирган фаввора бўлиб, унинг умумий майдони 1683 м² экани ҳақидаги ҳикояларидан сўнг, мўъжизавий бу дунёнинг мафтунига айланиб қолдим.

2 ▶

## Ҳуқуқий адабиётлар

### аҳамиятига бағишланди

**АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий нашрларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан, мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий нашрларга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Адлия вазирлиги ҳузурида республикада ихтисослаштирилган "Адолат" нашриётининг ташкил этилганлиги ҳуқуқ соҳасининг жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.**

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани ана шундай ҳуқуқий нашрларнинг аҳамиятига бағишланди.

"Адолат" нашриёти ўтган йигирма бир йил мобайнида 600 дан ортиқ номда 8 000 000 нусхадан зиёд Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик, ўқув қўлланмалари ва соҳага оид бошқа адабиётларни нашр этиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этди.

Қонун ҳужжатларини халқимизга содда ва тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига шарҳлар яратиш изчил давом этмоқда. Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, қатор қонун ҳужжатларига шарҳлар, пенсия таъминоти, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, меҳнат қонунчилигига оид ўнлаб адабиётлар ҳам нашриёт томонидан чоп этилганлиги қувонарлидир.

— "Адолат" нашриёти давлат корхонаси томонидан чоп этилаётган расмий нашрларни кўплаб хорижий давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Белорусь, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон Республикаларига юбориб, ўз навбатида, ушбу хорижий давлатларнинг ҳам расмий нашрлари билан танишув ва кенг миқёсда ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, — дейди нашриёт директори Акмал Инанбабаев.

2013 йилнинг 1-ярим йиллигида 326 530 нусха журнал маҳсулотлари мутахассислар ҳамда аҳолига етказиб берилди.

**Мадина ҲАМДАМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири**

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг! Обуна индекси – 137. website: minjust.uz e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг! Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг! Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади. e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

# Суви куй, куйи нур – фаввораси буюк санъатдир

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Билмас эканман, фаввора, дегани осмонга қараб пишқираётган ёввойи тўфон эмас, балки сеҳрли қудратга эга меъморий мужассамот экан.

Билмаганларимни билишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги "Тошкент фаввораси" Давлат унитар корхонаси бош директори Соибжон Каримжоновнинг ёрдами айрича бўлди.

— Айрим манбаларда биринчи фаввора Тошкентда 1890 йили князь Романов саройида, иккинчиси А.А.Половцовга қарашли уй — ҳозирги Ўзбекистон Амалий санъат музейи ҳовлисида қурилган, дейилади, — деб гапни узоқдан бошлади Соибжон Асомович. — Бу қайд унчалик тўғри эмас. Негаки, Низомийнинг "Хамса", Бобурнинг "Бобурнома" китобларига ишланган миниатюраларда, Афросиёб деворий расмларидаги фавворалар тасвири юртимизда қадим замонлардаёқ фавворалар бўлганидан дарак беради.

Қолаверса, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги аждодларимиз истиқомат қилган кўҳна кентлар қаъридан топилаётган ажойиб меъморий хазиналар:

тош, сопол, ҳатто мис қувурлардан фойдаланиб сардобалар, қудуқлар, коризлару тазарлар сингари еросты каналлари, банд ва тўғонлар қурилган даврда фавворaларнинг бўлмаслиги мумкин эмас! Чорсу, тим, тоқ каби аҳоли зич жойларда ҳамда шаҳар четидаги боғларда нозик дид, юксак маҳорат билан бунёд этилган шаршара монанд фавворалар бўлгани ҳам уста ва устазодаларимиз санъати авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топганини тасдиқлайди.



Топилган осориатиқалар шаҳодатига кўра, Ўрта Осиёда фавворалар қурилиши XIV-XV асрларда кенг ривожланган.

Фавворалар тараққиёти ҳам буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври билан узвий боғлиқ. Уйғониш — Шарқ Ренессанси сифатида таърифланган, "ер юзининг сайқали" Самарқандда соҳибқирон бобомиз саъй-ҳаракати билан бунёд этилган кўшку саройларда, шаҳар атрофидаги Боғи Дилкушо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Шамол, Боғи Чинор каби бир-биридан муҳташам боғларда ўша замон меъморларининг нодир ижоди бўлмиш биллур фавворалар бўлган. Маҳобатли масканларга кўрк берган бу фавворалар унча баланд бўлмаса-да, гўзаллиги билан дилларга ором бағишлаган. Асосан қудуқ, чашма, ҳовуз каби сув иншоотлари яқинида барпо этилиб, соддароқ усулда қурилган: сув махсус сопол қувурлардан келиб, ҳовузларга тушиб, арикчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Ҳовуз атрофлари ҳар хил рангдаги мармар тошлар, ранг-баранг гуллар тасвири билан безатилган. Ҳовузларга қуйиладиган арикчаларнинг қирғоқлари ҳам мармар тошлар билан қопланган.

Ҳозир пойтахтимиз боғларида, майдонларида, ҳукумат ва жамоат бинолари олдида, бозорларда юзлаб фавворалар қайнаб турибди. Уларнинг аксарияти истиқлол йилларида қурилди. Юксак нафосат манбаига айланган 41 та фаввора улуғворлиги билан бошқаларидан алоҳида ажралиб туради. 1969 йили Мустақиллик майдонида қад кўтарган фаввора 2006 йилга қадар Тошкент фаввораларининг энг маҳобатлиси ҳисобланар эди. 2006 йили ҳозирги замон фан-техника ютуқлари асосида реконструкция қилиниб, қайта таъмирланганидан кейин янада кўркам қиёфага эга бўлди. Таъмирлаш жараёнида 120 метр узунликдаги 10 минг кубметр сиғимга эга бўлган сув ҳавзаси, терраса ва каскад мармар билан қопланиб, саҳнига сайқалланган гранит плиталар ётқизилди. Соатига 3 минг кубметр сувни осмонга отадиган қудратли агрегатлар ўрнатилди. Турнақатор биллур шаршараларни эслатувчи фавворaларни оқшомлари юзлаб рангли чироқлар чароғон қилиб туради.

Майдон бўйлаб яна бир нечта янги фавворалар бунёд этилиши натижасида мазкур ансамбль катта техник имкониятга эга бўлган, ноёб манзарали мураккаб муҳандислик иншоотига айланди.

Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва кўлами жиҳатидан атрофидаги маъмурий биноларга яхлитлик бағишлаш баробарида мазкур биноларни совутиш учун хизмат ҳам қилади.

— Мамлакат Бош майдонининг Бош меъмори давлатимиз раҳбари Ислом Каримов экани ҳаммага аён, — дея фахрланиб давом этди Соибжон Каримжонов. — Менга қолса, Бош майдон ва майдондаги фавворалар Юртбошимизнинг буюк кашфиётидир, деган бўлар эдим.

Соибжоннинг ифтихори бекорга эмас. Давлатимиз раҳбари фақат Мустақиллик майдони ёки Тошкент шаҳрининг эмас, балки бутун мамлакатимизнинг Бош меъмори ҳисобланади.

Ўлкамизда ҳали тарих билмаган, ривожланган мамлакатлар фуқароларини ҳам ҳайратда қолдирадиган ҳашаматли иншоотларнинг қад кўтариши, пойтахтимизни "меъморий роман", деса дегулик гўзалликка эга бўлиши — буларнинг барчаси Президентимизнинг ғояси, меҳнати, кашфиётининг меваси, албатта.

Мустақилликдан кейин Президентимиз бошчилигида Ўзбекистон қайтадан бунёд этилди. Қурилиш майдонларига қудратли техника ва индустрия олиб келинди. Махсус ойна, пластмасса каби замонавий қурилиш материаллари, безакбоп тошлар фаввoрачиликда ҳам чексиз уфқлар очди. Бу эса бетакрор фавворалар тиклаш имконини яратди. Тошкент фаввораларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар шакл жиҳатидан бир-бирига сира ўхшамайди: бири — гулга бурканган маҳобатли дарахтни, бири — чўққидай баланд оппоқ алангани, бири — қадрдон она сайёрамизни, бири — улкан нилуфар гулни эслатса, яна бири — Сангардак ва Жиззах шаршаралари каби кўзларни сеҳрлаб ташлайди. Алишер Навоий театри, "Саёҳат" меҳмонхонаси, "Тантаналар саройи" рўпарасидаги фавворалар "рақс тушувчи" ёки бошқача қилиб айтганда, "куйловчи фаввора"лар, дейилади. Мумтоз ва миллий меъморий анъаналар мужассамлашуви ва сувнинг шовуллаши билан мусиқий оҳангларнинг мувофиқлашуви орқали бу фавворaларнинг бадиий-эстетик жиҳатлари ҳамда беадоқ чиройи ёркин намоён қилинган. Фавворaларнинг мусиқий шоусидан баҳраманд бўлиш, афсонавий мўъжиза ижро этаётган мумтоз мусиқаларни тинглаб, роҳатланиш учун келганлар бир нафасда бор ташвишларини унутадилар. Мармардек тиниқ сувнинг сеҳрли куй остида бир неча метр юқорига кўтарилиб, ёркин рангли нурларга беланган кўйи пастга тушиши қалбларга олам-олам завқу шавқ бағишлайди. Амир Темур хиёбони, "Туркистон" саройи, Мирзо Улуғбек боғидаги фавворалар ҳам маҳобатли ва нозик меъморий шакли, серустун ва майда гумбазли жозибалари билан дилларни мафтун этади. Шароф Рашидов проспекти ҳамда халқаро аэропортдаги фавворалар эса турли рангларда товланиши билан ажралиб туради.

Фаввораларнинг вазифаси кучли босим воситасида сувни осмонга отиб, одамларни "елпиб" туришдан иборат, деб ўйлаганлар янглишади. Замонавий фаввора — бу юқори сифатли материаллар, илғор техника, чуқур инженерлик салоҳияти, аниқ гидродинамик ҳисоб-китоблар билан узвий боғлиқ ўта мураккаб сув иншооти, деганидир. Дилларни мафтун этувчи инжа манзаралар ҳосил қилиш учун компьютерда махсус дастур яратиш, сув тўлқинларини чироқ нурларига мос равишда ҳаракатланишини таъминлаш ҳамда уларни мусиқа оҳангларига сингдириб юбориш эса осон юмуш эмас. Фан ва техника кун сайин тараққий этиб бораётган ҳозирги замонда фавворалар воситасида сеҳрли мўъжизалар яратиш имкониятларининг чеку чегараси йўқ. Биргина сув ости прожектори нурлари воситасида 16 миллион хилдан ортиқ рангин манзаралар яратиши мумкин. Ўзбекистон фаввoрасозлари бу вазифаларни аъло даражада адо этаётирлар.

— Фавворалар келинчаклардай сулувлигидан ташқари саломатлик манбаи ҳамдир, — дейди медицина фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров. — Сувнинг тинмай айланиши, кўкка отилиши натижасида ҳавода ионлар пайдо бўлади. Одамзот учун бу ионларнинг фойдаси беҳад катта.

Фақат Тошкентда эмас, республикамизнинг барча шаҳарларида юзлаб бир-биридан мафтункор фавворалар қайнаб турибди. Бу қадар салобатли ва нафис иншоотларни тасаввур қилиш қийин эди яқин-яқингача.

Ҳа, япониялик меҳмоннинг эътирофи чин: фавворалар ҳам худди ҳайбатли тоғлар оша Сурхон воҳасига кириб борган темир йўллар, Амударё устида қурилган кўприклар, заводлардан қаторлашиб чиқаётган ўзимизнинг машиналар сингари мамлакат юксалишининг ёркин тимсолларидир.

Фаввораларинг сингари қайнаб-жўшиб қалбларни ғурурга, дунёни ҳайратга солавер, шиддатингга кўз тегмасин, Ўзбекистоним!



**Абдусаид КЎЧИМОВ**

# Фарзандликка олиш

## ва унинг суд тартибида амалга оширилиши — вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг суд томонидан кўрилиши ва ҳал этилиши, ушбу жараёнларда суд назоратининг таъминланиши ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши кўплаб хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Украина ФПКнинг "Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриш", деб номланган 5-боби, Белорусь Республикаси ФПКнинг "Болани ўғил (қиз) қилиб олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари", деб номланувчи 10-бобида, Эстония ФПКнинг "Фарзандликка олиш", деб номланган 4-бўлимида болани ўғил (қиз) қилиб олиш тўғрисида ариза бериш тартиби, аризанинг мазмуни ва аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати, ишни судда кўришга тайёрлаш, суд ушбу тоифадаги ишларни кўриш, суд ҳал қилув қарорлари, болани ўғил (қиз) қилиб олишни бекор қилишга оид нормалар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларда алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тоифасига киритилди.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар шундай фуқаролик ишларидирки, булар юзасидан ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмайди, аризачи судга фақат ўз муддаосини билдиради. Болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал этиш билан боғлиқ бўлмайди. Бироқ агар болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилади (ФПКнинг 282-моддаси).

$285^7$-моддасида эса фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш даъво ишларини юритиш тартибида амалга оширилиши белгиланган. "Фарзандликка олиш", деб номланган янги $31^1$-бобида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризанинг судловлилиги масалалари назарда тутилган бўлиб, мазкур Кодексда биринчи маротаба судловга тааллуқлиликнинг турдош турига мурожаат қилинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, ФПКнинг $285^1$-моддасига кўра, агар фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мурожаат қилгудек бўлса, ушбу тоифадаги ишлар ҳудудий судловлилик қоидаларига мувофиқ, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилгудек бўлса, ушбу аризалар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига берилади ва бу тоифадаги ишлар ушбу судларнинг судловига тегишли бўлади.

Қонунда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, ФПКнинг $285^4$-моддасига кўра, судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбуриятини юкловчи ажрим чиқаради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари сифатида фуқаролик процессуал қонун ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, фарзандликка олиш сир сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан суднинг ёпиқ мажлисида кўрилиши белгиланганлигини кўрсатиш мумкин (ФПКнинг $285^5$-моддаси). Шунингдек, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларда қонунийликни таъминлаш мақсадида суд ушбу тоифадаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурор, албатта, иштирок этган ҳолда кўриб чиқади. Зарур ҳолларда суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни ва шу билан бирга ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилади. Ва фарзандликка олувчилар (олувчи) ҳамда фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш даъво ишларини юритиш тартибида амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Ундан ташқари, суд органлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш жараёнларида қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Айнан судгина ноқонуний фарзандликка олиш каби ҳолатларга тўсиқ бўла олади, фарзандликка олишни нафақат қонун доирасида, шу билан бирга бола манфаатларидан келиб чиқиб баҳолаш имкониятига эга бўлади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори**

Шаҳар бедарвоза эмас

# Ғафлат ташувчилар

## аэропорт кўригида ушлаб қолинди

МАЪЛУМКИ, ҳозирда айрим мамлакатларда мавжуд сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик барчамиз учун энг азиз неъмат эканлигини англаш қийин эмас. Ватанимиз тинч-осуда экан, ҳар тонг яқинларимиз ва фарзандларимиздан хотиржам бўлиб, ишимизга отланамиз, кун сўнггида эса улар бағрига шошилар эканмиз, уйда интизорлик билан кутиб ўтирган азиз инсонларимиз борлигидан бахтиёр бўламиз. Аммо бахтли кунларимизни кўра олмайдиган, тинчлигимизга раҳна солувчи ёвуз кучлар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Зеро, кейинги пайтларда улар ўзларининг бузғунчи ғояларга йўғрилган таълимотларини дин ниқоби остида мамлакатимизга олиб киришга бўлган уриниш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Биргина Сурхондарё вилояти миқёсида мазкур мавзудаги қонунбузилиш ҳолатларини таҳлил қилар эканмиз, 2013 йил бошидан бугунга қадар мамлакатимиз тинчлигига раҳна солувчи диний адабиётларнинг, яъни китоблар, брошюра ва варақалар, аудио-видео маҳсулотлар ҳаракатининг 154 та ҳолатда 11 766 тасига чек қўйилганлигини кўришимиз мумкин.



Фикримиз исботи сифатида айрим далилларга мурожаат этсак. Қурбонов Хушдил 1988 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Россия Федерациясидан қайтаётган Х.Қурбонов "Термиз" халқаро аэропортида божхона кўригидан ўтказилганда, ўзи билан олиб келаётган қўл юклари ҳақидаги маълумотларни Т-6 шаклидаги божхона баённомасига киритганлигини ҳамда шахсий буюмлари орасида тақиқланган ашёлар йўқлигини айтади. Аммо унинг қўл юклари текширилганда, электрон китоби, яъни нетбуги хотирасида 35 дона mp-3 форматидаги диний мазмундаги материаллар борлиги аниқланади. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Сурхондарё вилояти вакиллиги томонидан берилган экспертиза хулосасига кўра, ушбу диний материалларни мамлакатимиз ҳудудига киритиш ва фойдаланиш тақиқланганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, "Термиз" халқаро аэропортига Москва шаҳридан келган рейс бўйича яна бир фуқаро божхона кўригидан ўтказилганда, у ҳам қонунбузар йўловчилардан бири эканлиги аниқланди. 1991 йилда туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Кенжаев Баҳром қўл юклари орасидаги ўз фойдаланишида бўлган шахсий нетбук хотирасида 56 та диний мазмундаги маърузалар борлиги билан бир қаторда, ўзи билан олиб келаётган қўшимча хотира ташувчи мосламаларда жами 1493 та беҳаё мазмундаги фильмлар ва шу мазмундаги бир нечта журналлар борлигига нима дейсиз?

Тақиқланган диний мазмундаги адабиётларни мамлакатимизга олиб киришга бўлган ҳаракатлардан яна бири Сурхондарё вилояти "Сариосиё" чегара божхона комплекси ходимлари томонидан аниқланди. Ўз сўзларига кўра, Ўзбекистонга шахсий юмушлари билан келаётган, 1988 йилда туғилган Тожикистон Республикаси фуқароси Тошмирзаева Шаҳноза Ғаниевнанинг уяли алоқа телефонига қўшимча ўрнатилган флеш карта хотирасида диний мазмундаги 2 дона видео ва 76 дона аудио маърузалар борлиги аниқланди.

Ҳар ким ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркинлиги мамлакатимизнинг Бош қомуси билан мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мавжуд қонунларга зид эканлигини билса-да, юқоридагиларга ўхшаш айрим кимсаларнинг ножўя ҳаракатлари ҳали ҳамон учрамоқда.

Бир ҳовуз сувга бир томчи заҳар томизсангиз, бутун ҳовуздаги сув заҳарланади. Демакки, четдан келаётган ҳар бир "заҳарли ғоя"лар секинлик билан тинч ва осуда ҳаётимизга, эркин ва обод Ватанимизда улғаяётган фарзандларимизнинг бахтли келажагига салбий таъсир келтирмаслиги учун барчамиз бирдек масъулмиз. Шундай экан, замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши "заҳарли ғоя"ларнинг тарқалишига эмас, балки фойдали ва мазмунли ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишигагина хизмат қилишини истаб қолардик.

**Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати**

Ўқув-машғулот

# Муқаддас динимиз

## ва миллий қадриятларимиз

**"ИНСОН ўз ерини ундаги нарсалари билан, гарчи у жой одам яшамайдиган саҳро бўлса ҳам севади. Ватанни севмоқлик қалбдаги асл, туғма табиатдир. Туғма табиат инсонни Ватанида, яшаб турганда хотиржам, ундан йироқда бўлганда соғинадиган, унга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қиладиган, унга ҳурматсизлик қилинганда ғазабланадиган қилиб қўяди".
Шайх Муҳаммад Ғаззолий**

— ДЕМАК, инсон туғилиб ўсган Ватанини севар экан, унинг бағрида ҳузурланиб яшар экан, мазкур инсоннинг зиммасида бу Ватаннинг ҳақ ва вожиботлари бор.

Энг аввало, ҳаётининг ҳар жабҳасида Ватанининг номини баланд кўтаришга интилсин. Илмий, аскарий, адабий, спорт, умуман қайси соҳада бўлишдан қатъи назар юқори даражага эришиш учун машаққат-ла меҳнат қилар экан, буларни рўёбга чиқариш билан Ватанининг шарафини олий қилиш мақсади ҳам бўлсин. Мусулмон киши Аллоҳ таоло уни ер юзини обод қилиш учун ўзига ўринбосар қилиб қўйганини ҳис қилганидан Ватанига муҳаббат қўяди ва ер юзини обод қилишлик унинг бурчи эканлигини яхши билади, — дейди Адлия Вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулоти меҳмони Ўзбекистон Мусулмонлари идораси масъул ходими Зайниддин Эшонқулов.

Бугунги кунда ядровий курашлардан хавфлироқ бўлган мафкуравий курашлар авж олган замонда Ватанни, миллатни, динни, маданиятни, миллий урф-одатларни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш, аждодларимиздан силсила бўлиб, бизларгача бидъат ва хурофотлар аралашмасдан, соф ҳолда етиб келган муқаддас динимиз ва миллий қадриятларни келажак авлодга соф ҳолида етказишни ўзимизга омонат ва бурч, деб билишимиз лозимдир. Ҳар бир киши ўзининг касби-коридан келиб чиқиб бу масъулиятли хизматни амалга оширишлари керак. Имомлар хутбаси билан, шоирлар шеъри билан, ўқитувчилар шогирдларни билимли қилиб, ота-оналар фарзандларига гўзал тарбия бериб, рассомлар мўйқалами билан, мухбирлар ахборотлари билан (ва ҳакозо) хизмат қилсинлар. Яъни, Ватан равнақи хизматида ҳамма бир тану бир жон бўлиб хизмат қилса ва бу қилаётган хизматни ибодат, деб билиб, Аллоҳ таолонинг ризосини талаб қилиб, савоб умидида ихлос ва омонат билан бажарса, юртлар, Ватанлар йил, ой сайин эмас, балки кун ва соат сайин обод бўлиб боради.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

Реклама ўрнида

# Акбаробод сўлим маскан



ҚУВА туманидаги Акбаробод қишлоқ фуқаролар йиғини вилоятнинг энг йирик аҳоли масканларидан биридир. Бу эса ҚФЙ раиси, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ва ҳудуд милиция таянч пункти ходимларига жиддий масъулият юклайди. Қишлокда 6 та мактаб, 1 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб интернати, 3 та мактабгача таълим муассасаси, Қува педагогика ва иқтисодиёт коллежи мавжуд бўлиб, уларда 5423 нафардан ортиқ ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Мавжуд 3 та тиббиёт муассасасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, Акабарободда 5 та деҳқон ва 54 та фермер хўжалиги, 103 та кичик бизнес субъекти, 5 та ҳунарманд оила, 33 та якка тартибдаги табдиркор фаолият юритмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарият қисми ана шу хўжалик юритувчи субъектларда доимий иш билан таъминланган. 478 гектарлик аҳоли томорқаларида эса эл дастурхони учун турли ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Биргина, 2012 йилда 520,4 миллион сўмлик ёки 2100 тонна мева, 301 тонна сабзавот, 173 тонна картошка етиштирилди. Баҳор фаслида эса 35184 туп мевали ҳамда 7200 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Қишлоқ тадбиркорлари, деҳқон ва фермерлари орасида элнинг яхши-ёмон кунида, тўю маъракасида камарбаста бўлиб турувчи саховатли инсонлар талайгина. "Ҳамроли ота" фермер хўжалиги раҳбари Обloберди Юсупов шулар жумласидандир. Ўтган йили Облоберди ака ҚФЙ биносини таъмирлаш учун 3 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Жорий йилда эса 2 та минифутбол майдонини ишга туширди. Шунингдек, "Олтиариқ" МФЙ ҳудудида янги замонавий услубдаги чойхонани ҳам бунёд этмоқда. Кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳам унутгани йўқ.

— Маълумки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, меҳнат бандлигини таъминлаш жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш омили саналади. Шу боис ҳар бир таълим муассасасида турли фан ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, япониялик мутахассис Черайи Рью 31-умумтаълим мактабида футбол машғулотларини олиб бориш билан бирга ёшларга япон тилининг сир-асрорларидан сабоқ бермоқда. Ўтган йили ҚФЙ биносида тикувчилик цехи ташкил қилинди. Ҳозир мазкур цехда 21 нафар қиз доимий иш билан банд. Бу йил гилам тўқиш цехини ишга тушириш режалаштирилмоқда, — дейди Қува тумани ИИБ ҳудуд профилактика катта нозири, милиция капитани Бахтиёр Шерматов. — Натижада, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан умумий жиноятчилик 6 тага камайди. Вояга етмаганлар ўртасида эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Дарҳақиқат, милиция таянч пунктининг кўрсаткичлари ибрат олса арзигулик. Шунинг учун 2012 йилда "Энг намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритиб, I-даражали диплом ва "Матиз" автомашинаси билан тақдирланди. Қолаверса, вилоят ҳокимининг жорий йил 21 февралдаги тегишли фармойишига биноан ўтказилган "Энг намунали маънавият ва маърифат маскани" танловида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари йўналишида ғолиб, деб топилди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# Тезкор ва сифатли хизмат

ASAKA BANK

## бундан тадбиркорлар мамнун бўлмоқда

МАЪЛУМКИ, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан хусусий секторни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил кўпаймоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида "Асака" банк Самарқанд вилояти филиали томонидан ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 24,9 миллиард сўмни ташкил этгани, шундан 19,7 миллиард сўми инвестициявий кредитлар эканлиги бунинг яққол тасдиғидир. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 17,1 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар кўп, демакдир.

Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 129,3 фоизга ошди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **"Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 5,3 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 бараварга ўсишига эришилди. Пировардида, кўплаб янги иш жойлари очилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшовчиларнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги **"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига биноан 7,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказимизда. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида шу мақсадда банк томонидан ўтган йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқарган ҳолда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,1 миллиард сўмдан ортиқ, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар салмоғи ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,4 бараварга ошди.

Ушбу кредитлар вилоятнинг меҳнат ресурслари кўп бўлган чекка ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани билан эътиборга молик. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

Юртбошимизнинг 2013 йил 14 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат Дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг 6 ойи давомида вилоятимиз ҳудуди бўйича жами 80 та коллеж битирувчиларига 283 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратиб берилгани, соҳага кўплаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлди, — дейди "Қўрғони калон" хусусий корхонаси раҳбари Маматқул Шарипов. Хусусан, бизнес лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишда "Асака" банк Самарқанд вилояти филиали молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги болалар учун ўйинчоқлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Жорий йил бошида шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани айни муддао бўлди. Яъни, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги **"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада, маҳаллий хомашё асосида қўшимча сифатли, арзон ва замонавий болалар учун ўйинчоқлар ишлаб чиқарила бошланди. Энг асосийси, 5 та янги иш ўрни яратилиб, шунча касб-ҳунар коллежи битирувчисининг иш билан бандлиги таъминланди. Молиявий ҳамкоримиз бўлган "Асака" банкнинг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Ишонамизки, унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириб, мебелсозлик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиш, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёби йўлида хизмат қилади, албатта.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди "Агро плюс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Темур Мустофоев. Хусусан, улар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир. Бунда Юртбошимиз раҳнамолигида банк тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётгани қўл келмоқда. Тизимни эркинлаштириш, молия муассасаларининг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли уларнинг иқтисодиётимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси тобора юксалиб бораяпти. Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Самарқанд шаҳрида жойлашган корхонамизда айни пайтда ширинлик-қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "Асака" банк бу борада яқин ҳамкоримиз. 2011 йилдан буён ана шу молия муассасаси кўмагидан фойдаланиб келаяпмиз. Ўтган йилларда "Асака" банк кредитлари асосида янги лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Бинобарин, фаолиятимиз кенгайиши ҳисобига ҳамшаҳарларимиздан 4 нафари иш билан таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банк Самарқанд вилояти филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобидан 450 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтириладиган кредитлар миқдори 40 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, 700 га яқин янги иш ўрни яратилади. Бу мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Сўраган эдингиз?

# Васий ёки ҳомий тайинлаш

## қачон амалга оширилади?

**ЯҚИНДА идорамизга бир аёл келиб, хорижга ишга кетмоқчилигини айтди. Турмуш ўртоғи эса анча йиллар олдин кетиб, ҳозирда қаердалиги номаълумлигини, шунинг учун, мактаб ёшидаги қизини синглисига қолдирмоқчилигини айтиб, шу тўғрида маълумот беришимизни сўради. Ушбу масаланинг ҳуқуқий жиҳатлари қуйидагича тартибга солинади.**

ОИЛА кодексининг 21-бобига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга васийлик тайинланади. Бунинг учун ўша тумандаги халқ маорифи бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик бўлимига мурожаат қилинади. Васийлик ёки ҳомийлик тайинлашга шу шахснинг ҳамда васий ёки ҳомий бўлмоқчи бўлган шахснинг розилиги талаб этилади.

Васийлик ва ҳомийлик бўлими томонидан ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, васийлик тайинлаш учун етарли асос бор-йўқлиги кўриб чиқилади. Васий тайинлаш тўғрисида ҳоким қарори чиқарилиши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик белгиланишидан мақсад ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахсларга белгиланади.

Оила кодексининг 178-моддасида: **"Ота-она олти ойдан ортиқ ҳозир бўлмаган тақдирда, агар болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ота-она вақтинча бўлмаганида, агар улар боласини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари қарамоғига тарбиялаш ва назорат қилиш учун қолдирган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланиши шарт эмас"**, эканлиги белгиланган.

**Раъно ХАҚБЕРДИЕВА,**
**Чирчиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси**

Хўжалик суди амалиётидан

# Нефть маҳсулотлари асоссиз равишда

## ҳисобдан чиқарилганлиги учун ноқонуний ҳисобдан чиқарилган нефть маҳсулотлари қийматининг уч баравари миқдорида иқтисодий жарима ундирилади

**АЙБДОР юридик шахсларга нефть маҳсулотлари мақсадсиз сарфланганлиги учун сарфланган нефть маҳсулотлари қийматининг икки баравари миқдорида, нефть маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганлиги учун ноқонуний ҳисобдан чиқарилган нефть маҳсулотлари қийматининг уч баравари миқдорида иқтисодий жарима (санкция) суднинг ҳал қилув қарори билан қўлланилади ва улардан ундирилади.**

**ИШНИНГ МАЗМУНИ**

НАЗОРАТ қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2008 йил 3 январдаги 2/1Г-сонли қарори билан тасдиқланган режа-жадвалига ҳамда Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси вилоят бўлимининг 2008 йил 8 августдаги 12/20-Т-сонли буйруғига мувофиқ "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятида нефть маҳсулотларининг қабул қилиниши, сифати, миқдори, сақланиши, тарқатилиши, ҳисоб-китоби юритилиши, нефть омборининг техник ва метрологик ҳолати юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш натижасида "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятида 135,4 минг сўмлик 526 литр дизель мойи мақсадсиз, яъни 26191-84-сонли Давлат стандартларида белгиланган чекланган рўйхатга хилоф равишда карбюраторли двигатели бўлган автотранспорт воситаларига сарфланганлиги, шунингдек 24,9 миллион сўмлик 57235 литр кирим қилинган дизель ёнилғисидан 2,5 миллион сўмлик 5924 литр дизель ёнилғисининг чиқим қилинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан, асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан 2008 йил 25 августда "Ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жарима (санкция) қўллаш тўғрисида"ги 12/05-сонли амрнома берилган бўлиб, унга кўра, "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига 7,8 миллион сўм иқтисодий жарима (санкция) қўлланилган ва бир ой муддатда жаримани инспекциянинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш сўралган. Аммо "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти томонидан иқтисодий жарима белгиланган муддатда ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган.

Иқтисодий жарима ихтиёрий равишда тўланмаганлиги сабабли Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"**ги Низом 1.1-бандининг "Б" ва "В" бандларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан 7,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий жарима қўллашни ва қўлланилган иқтисодий жаримани ундиришни сўраган.

**АРИЗАЧИНИНГ ВАЖЛАРИ**

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси вакиллари суд мажлисида аризадаги талабларни қувватлаб, жавобгар — "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан 7,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий жарима қўллашни, қўлланилган иқтисодий жарима суммасининг 92 фоизини Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, 8 фоизини Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига ундиришни, суд харажатларини эса жавобгар зиммасига юклашни сўраган.

**ЖАВОБГАРНИНГ ВАЖЛАРИ**

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар — "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти вакили даъво талабларини тан олиб, молиявий имконият бўлмаганлиги сабабли иқтисодий жарима ихтиёрий равишда тўланмаганлигини, камчиликлар бартараф этилганлигини, тўловдан бош тортилмаганлигини билдириб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўраган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Суднинг ҳал қилув қарори билан Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясининг аризасидаги талаблар қаноатлантирилган ва жавобгар — "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига 7,8 милллион сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилган.

"Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятидан қўлланилган иқтисодий жарима суммасининг 92 фоизи — 7,2 миллион сўми Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, 8 фоизи — 600,0 минг сўми Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига ундирилган.

Шунингдек, "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятидан Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига 7,9 минг сўм зарар ҳам ундириб берилган ва ортиқча тўланган 2,0 минг сўм почта харажатлари Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига қайтарилган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ**

Мамлакатимизда ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, нефть маҳсулотлари, газ, электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг, ноқонуний сотиш (бериш)нинг, ўзлаштириб олишнинг ва уларнинг сифати бузилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги **"Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан **"Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"**ги Низом тасдиқланган ва амалга киритилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 27 апрелда 46-сон билан "Ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазолар қўллаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига асосан ваколат доирасида "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятида нефть маҳсулотларининг қабул қилиниши, сифати, миқдори, сақланиши, тарқатилиши, ҳисоб-китоби юритилиши, нефть омборининг техник ва метрологик ҳолати каби масалалар юзасидан текширилганда бир қатор ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Булар 26191-84-сонли Давлат стандартларида белгиланган чекланган рўйхатга хилоф равишда дизель мойи мақсадсиз, карбюраторли двигатели бўлган автотранспорт воситаларига сарфлаш, бирламчи чиқим ҳужжатлари расмийлаштирилмасдан дизель ёнилғисини асоссиз ҳисобдан чиқариш каби ҳуқуқбузарликлардир. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатлари текшириш далолатномаси, оралиқ далолатномалари, "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти мансабдор шахсларининг тушунтириш хатлари, тарафлар вакилларининг суд мажлисида берган кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топган.

Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 27 апрелда 46-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазолар қўллаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 2-бандида нефть маҳсулотлари мақсадсиз сарфланганлиги учун сарфланган нефть маҳсулотлари қийматининг икки баравари миқдорида, 3-бандида нефть маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганлиги учун ноқонуний ҳисобдан чиқарилган нефть маҳсулотлари қийматининг уч баравари миқдорида айбдор юридик шахслардан жарима ундириш жазоси назарда тутилган.

Аммо Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан берилган амрнома бўйича "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти иқтисодий жаримани ихтиёрий равишда тўлаб бермаган. Шундан кейин Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан 7,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий жарима қўллашни ва қўлланилган иқтисодий жаримани ундиришни сўраб, хўжалик судига ариза берган.

Биринчи инстанция суди тарафлар вакилларининг иштирокида аризадаги талабларни муҳокама этиб, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, аризадаги талабларни асосли, деб ҳисоблаб, уларни қаноатлантиришни лозим топган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамиятига 7,8 милллион сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилган ва қўлланилган жарима суммаси ундан белгиланган тартибда ҳамда миқдорда ундирилган.

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси қўлланилган иқтисодий жарима суммаларини сўзсиз тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли молиявий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб билан бирга уни ундириш тўғрисидаги талабни ҳам суд олдига қўйган. Шунинг учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қўлланилган молиявий жазо чораси, унинг миқдори ва ушбу сумманинг ундирилиши кўрсатилган.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги 2011 йил 30 июндаги қарори 30.5-бандининг иккинчи хатбошисида тушунтириш берилган.

Суд "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти томонидан мазкур низо судгача етказилганлигини, аризадаги талаблар қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси ўз ваколати доирасида судга ариза беришда тўланган 7,9 минг сўм давлат божи ва почта харажатларини унга етказилган зарар сифатида "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти ҳисобидан ундириб берган. Бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги **"Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги қарори 21.1-бандининг биринчи хатбошисида таъкидланган.

Шунингдек, суд ишни биринчи инстанция судида кўриш билан боғлиқ почта харажатлари 5,0 минг сўм миқдорида белгиланганлигини, аризачи томонидан эса 7,0 минг сўм миқдорида почта харажатлари тўланганлигини ҳисобга олиб, у томондан ортиқча тўланган 2,0 минг сўм почта харажатларини Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясига қайтарган.

Айбдор юридик шахсларга нефть маҳсулотлари мақсадсиз сарфланганлиги учун сарфланган нефть маҳсулотлари қийматининг икки баравари миқдорида, нефть маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганлиги учун ноқонуний ҳисобдан чиқарилган нефть маҳсулотлари қийматининг уч баравари миқдорида иқтисодий жарима (санкция) суднинг ҳал қилув қарори билан қўлланилади ва улардан ундирилади.

# Суд қарори ижроси билан кучли

**МАМЛАКАТИМИЗДА суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва суд қарорларининг ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида 2001 йил 10 мартда Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган — Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.**

ИЖРО ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Суд департаментининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишлари самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи чорагида ижроси таъминланган ижро ҳужжатлари 2012 йилнинг биринчи чорагига нисбатан сон жиҳатидан 867 тага ва сумма жиҳатидан 16,3 миллиард сўмга кўпайган.

Демак, суд ижрочилари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарали олиб борилмоқда, лекин айрим ҳолларда ижро ҳужжатлари ижроси тўлиқ таъминланмасдан қолаётганлигини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, ижро ҳужжатларининг лозим даражада бажарилмаётганлигининг ўзига хос сабаблари бор. Маълумки, суд ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2009 йил 14 январда қабул қилинган **"Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун билан Суд департаментига бир қатор ваколатлар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 29 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори суд департаменти фаолияти самарадорлигини янада ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ижрочилари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг янада мукаммал тизимини шакллантиришга асос бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур Қарор асосида ҳудудий бошқармада Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими, ахборот таъминоти ва мол-мулкни қидирув ҳамда суриштирув секторлари, капитал қурилиш ва асосий фондлардан фойдаланиш бўйича етакчи муҳандис, архивариус, суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида эса 2-тоифали иш юритувчи-котиб лавозимлари жорий этилди.

Жумладан, ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими ҳудудий бошқармада ҳуқуқий статистикани юритиш ишларига раҳбарлик қилиб, тақдим этилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, архив иши юритилишини, амалдаги қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатларда белгиланган бошқа вазифаларни, бошқарма фаолиятига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юқори турувчи идоралар топшириқлари ва кўрсатмаларини, Адлия вазирлиги ҳайъати қарорларини, Адлия вазирининг буйруқлари ҳамда топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши устидан назорат олиб боради.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари суд қарорларининг ижроси янада самарали таъминланишига ва суд ижрочиларини моддий рағбатлантиришга янги имконият яратди.

**Баҳромжон НАСРИДДИНОВ,**
**Суд департаментининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи**

## Жиноятга жазо муқаррар

# Ит уруштирадиган йигитлар

## янги ишга "қўл" уришди. Аммо...

**ОТА-ОНА болани бўш қўйса, қадамини назорат қилиб турмаса, унинг юриш-туриши ўзгариб, боши берк кўчаларга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Халқимизнинг "Бузоқни бўш қўйсанг, хурмачани ағдаради" нақлини эсланг.**

АДИЗ Козимов 1993 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Тайинли иш жойи йўқ. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2010 йил 6 сентябрдаги ажримига асосан унга нисбатан Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисмининг "а, б, в" бандлари ва 167-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан расмийлаштирилган жиноят иши 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган. Ота Аҳад Козимов, она Алфия Козимова ўз ҳолига ташлаб қўйган бекорчи фарзанди Адиз яна жиноятга қўл урганини эшитиб, бармоқ тишлаб қолдилар. Адиз ҳам амнистия актининг моҳиятини тушунмай, инсонпарварлик тамойилидан ҳаётий сабоқ чиқармади. Ота эса Россияни "қўмсаб" қолганди.

А.Козимов вояга етмаган Саиджон Икромов билан Бухоро шаҳридаги шиша идишларни тозалаш цехида ишлаган вақтида танишган эди. Цехда улар бир ойгина фаолият олиб боришди. 2011 йил ёзида улар яна учрашиб, режалар тузишди. Ит уруштириш билан машғул бўлишди. Ҳеч ким уларнинг мушугини "пишт", демади. Саёқ юришни эса канда қилишмади.

— Ука, уддабурон одам қурбақага тақа қоққанлигини эшитганмисан, — деди Адиз Саиджонга.

— Тушунмадим. Нима демоқчисиз, ака, — ҳайрон бўлиб сўз қотди Саиджон.



— Аёлларнинг бўйнидаги тилла занжирини очиқдан-очиқ олиб қочамиз. Фақат бу ишга усталик, эпчиллик керак. Қош қўяман, деб кўз чиқариб қўймайлик.

— Қўлга тушсакчи, ака.

— Умидсизлик гирдобига тушма, — деди Адиз. — Тилла харидоргир. Пробаси зўр бўлса, манаман, деган заргар кўзига суртиб олади.

2011 йил 20 октябрь. Куз салқин ҳавоси билан дов-дарахтларни дилдиратиб қўйган. Соат чамаси 16:30 ларда Олия Баҳронова дугонаси Дилафрўз Тойирова билан Бухоро шаҳридаги Мустақиллик кўчасида жойлашган "Дилкушо" бозори ён томонидан автошоҳбекатга олиб борувчи йўлакчадан кетаётган эди. Адиз ва Саиджоннинг кўзи Олиянинг бўйнидаги тилла занжир ва кулончага тушди. Саиджон Олияни бир неча сония чалғитди. Ана шу вақт шериги тилла занжир ва кулонга чанг солиб, олиб қочди.

Йўлакчадан юриб бораётган одамлар: "Талончи, талончи. Занжирни олиб қочди. Ушланглар. Изини йўқотмасин", деб бақиришди. Адиз бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Қилни қирқ ёргувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари талончилик жиноятини содир этганликда гумон қилинаётган Адиз Козимовни уйига қидириб келганларида, у куни-кеча 500.000 сўмга нотаниш аёлдан сотиб олган "Жигули" русумли автомашинани таъмирлаш учун устанинг уйига равона бўлган эди.

Адизнинг "дўсти" бу орада тилла занжир ва кулонни заргар Сафожон Ҳасановга сотган эди.

Адизнинг кўнгли чироқ ёқса, ёримасди. Пайтавасига қурт тушганлигини сезгач, дўппи тор кела бошлади. Бошига гўё кулфат тоғи ағдарилгандай бўлди.

Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат — унинг озод ва ҳурлиги. У қамалиб қолишдан қўрқиб, опаси Азизадан 200.000 сўм олдида, Россия томонларга жуфтакни ростлаб қолди. Адиз аввалига Москва шаҳрида ишлаб юрди. Топган-тутгани урвоқ ҳам бўлмагач, Сочи шаҳрига, акаси Муроднинг ёнига йўл олди.

Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармасида дастлабки тергов чоғида Саиджон Икромов терговчиларга шериги Адиз Козимов кирдикорлари ҳақида "гуллаб" қўйганди.

Адиз ўтган йили 27 апрель куни қадим Бухорога қайтиб келиш учун самолётга чипта сотиб олиш мақсадида Сочи аэропортига келди. У қалин қорлар ёғиб, излар йўқолди, деб ўйлаган эди. Бироқ талончи чучварани хом санаганлиги аён бўлди. Полиция ходимлари қидирувда бўлган талончини ушлаб, қамаб қўйишди.

Суд жараёнида олиб қочилган тилла буюм эгаси Олия Баҳроновага қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Пешку тумани суди томонидан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди биносида очиқ суд мажлисида адолатли ҳукм ўқиб эшиттирилди. Айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



***ЭЪЛОН***

*Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида **"Ишонч телефони"** хизматлари йўлга қўйилди.*

***Ҳурматли ёшлар!***

*Агар Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса ёхуд қизиқтираётган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган вилоятлар бўйича **"008"**, Тошкент шаҳри бўйича эса **"1008"** рақамли **"Ишонч телефони"**га мурожаат қилишингиз мумкин.*

***Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз адлия органлари ҳимоясида!***

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 19-банди ҳамда адлия бошқармаси бошлиғининг 2013 йил 18 июлдаги 61-ум-сонли буйруғига асосан Джураев Курбанпулат Сурхондарё вилояти "Мадад" адвокатлик фирмасига қабул қилинганлиги муносабати билан адвокатлик мақоми тикланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси 2-қисми ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 26-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 17 июлдаги 60-ум-сонли буйруғига асосан "DENOV-ADOLAT MASKANI" адвокатлик фирмаси адвокати Мирзаев Мирзамурод Артиковичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи SU №000009-сонли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 9 июлдаги 95-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳар "Мадад маслаҳатчи" адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиққанлиги сабабли адвокат Разыков Примга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000012-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 июлдаги 145-ум-сонли буйруғига асосан Каттақўрғон шаҳар "Каттақўрғон ҳимоя" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Раҳимов Исмат номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июнда берилган SA №000130 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

## Реклама ва эълонлар


**Ҳурматли юртдошлар!**

**"Асака"** давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

**қуйидаги мақсадларга:**

- **Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;**
- **Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун;**
- **Касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун**

**кредитлар ажратади.**

*Кредитларни "Асака" банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.*



**"Асака" банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:**

| Филиаллар номи | Телефон рақамлари | Филиаллар номи | Телефон рақамлари |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон филиали | 8-361-223-72-59 | Сирдарё вилояти филиали | 8-367-225-28-61 |
| Андижон вилояти филиали | 8-374-224-56-98 | Тошкент вилояти филиали | 8-371-120-84-04 |
| Асака филиали | 8-374-233-15-32 | Фарғона вилояти филиали | 8-373-224-72-14 |
| Фарҳод филиали | 8-374-226-96-93 | Марғилон филиали | 8-373-237-60-71 |
| Бухоро вилояти филиали | 8-365-223-11-15 | Олтиариқ филиали | 8-373-432-19-80 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8-365-770-00-34 | Қўқон филиали | 8-373-552-61-01 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 8-375-221-15-38 | Хоразм вилояти филиали | 8-362-226-96-03 |
| Навоий вилояти филиали | 8-436-770-21-28 | Тошкент шаҳар филиали | 8-371-120-83-00 |
| Зарафшон филиали | 8-436-573-18-82 | Автотранспорт филиали | 8-371-120-39-01 |
| Наманган вилояти филиали | 8-369-226-91-45 | Шайхонтоҳур филиали | 8-371-140-39-04 |
| Самарқанд вилояти филиали | 8-366-233-63-82 | Юнусобод филиали | 8-371-221-80-67 |
| Афросиёб филиали | 8-366-221-72-68 | Сирғали филиали | 8-371-257-44-10 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 8-376-770-82-20 | Жиззах вилояти филиали | 8-372-226-34-90 |

**Қўшимча маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.**
**"Асака" банк (ОАЖ) кўп каналли ягона "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" рақами: (8-371) 120-82-88.**

**"Асака" банк — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.



ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Қўчқор Тоғаев, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Очилов Алижон Мухлисович, Султонов Алимқул Тошбекович, Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-7692. **Тиражи — 17278.**

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5